Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 15 апрель, № 74 (6257) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КЕКСАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган шахсларга муносиб эътибор қаратиш, шунингдек, пенсионерлар, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 майидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаш белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда тўланадиган устама Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. 2015 йилнинг 1 майидан уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича энг кам иш ҳақининг табақалаштирилган миқдорида ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янги рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2015 йил давомида 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролардан тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисобланиши, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиши тўғрилигини текшириш натижаларига кўра аниқланган ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар миқдори ҳисобдан чиқарилсин.

4. 2015 йилнинг 1 майидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тузатишлар киритилсин ва ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 апрель

ИЛҒОР ТИББИЙ УСКУНАЛАР, СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАР

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” павильонларида “Соғлиқни сақлаш — TIHE 2015”, “Фармацевтика саноати — AptekaExpo Central Asia 2015” ҳамда “Стоматология — Stomatology Uzbekistan 2015” халқаро кўргазмалари очилди.

Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик концерни, “Ўзтибтехника” масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси ҳамда “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Уларда юртимизда аҳоли, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётгани, мавжуд тиббиёт муассасаларининг оптимал тармоғи яратилиб, улар энг илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланиши натижасида тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора юксалиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

КЎРГАЗМА

Мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-профилактика хизмати, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишнинг илғор тизими шакллантирилди. Вилоятларда ҳам замонавий диагностика марказлари ташкил этилди. Скрининг марказлари, туғуруқ мажмуалари, кўп тармоқли шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Австрия Республикасининг Федерал президенти — **Ҳайнц Фишер**

Исроил Давлати Президенти — **Реувен Ривлин**

Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси — **Абдулла Абдулла**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси — **Таро Асо**

Ислом тараққиёт банки президенти — **доктор Аҳмад Муҳаммад Али**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Шамил Алескеров**

Европа халқаро муносабатлар институти президенти — **Ирнерио Семинаторе**

“НЭК Корпорейшн” раиси — **Каору Яно**

“Самсунг Инжиниринг” компанияси президенти ва бош ижрочи директори — **Пак Чун Хи**

“Хюндай Инжиниринг” компанияси президенти ва бош ижрочи директори — **Ким Ви Чул**

“Лотте Кемикал Корпорейшн” компанияси президенти ва бош ижрочи директори — **Хо Со Ёнг**

“Лотте Ҳотелз энд Рисортс” компанияси президенти ва бош ижрочи директори — **Сонг Ёнг Док**

“Шиндонг Энерком” компанияси раиси, “Корея — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси раиси — **Ким Юн Сук**

“Папенбург” компанияси раҳбари — **Гюнтер Папенбург**

“Трушлер” компанияси раҳбари — **Ҳайнрих Трушлер** табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«ТАШАББУС — 2015»

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган “Ташаббус — 2015” кўрик-танловининг туман (шаҳар) босқичи бошланди.

Изланувчан ишбилармонларга беқиёс рағбат

Маълумки, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда ҳунармандчилик соҳалари нафақат иқтисодиётимизнинг етакчи бўғини, балки давлатимиз ва жамиятимиз ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий кучга айланди. Айниқса, бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулот ҳамда хизматлар билан тўлдириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлашда уларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг умумий сони 195 мингдан зиёдни ташкил этиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга ўсгани бунга асос бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

Фракция йиғилишлари бўлиб ўтди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда экспертлар, мутахассислар, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари ҳам иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Депутатлар томонидан Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига иккинчи ўқишда киритилаётган янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги, шунингдек, биринчи ўқишда кўриб чиқиладиган халқаро ҳужжатларни ратификация қилишга доир қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берган вазифаларига асосан ишлаб чиқилди. У республикада электрон тижорат соҳасини янада равнақ топтиришга йўналтирилган.

Йиғилишларда тўхталиб ўтилганидек, айни пайтда давлат органлари ва хўжалик субъектлари, қолаверса, фуқароларнинг кундалик ҳаётига ахборот тизимларини жорий этиш диққат-эътиборда турибди. Зеро, бугунги кунда илғор инфратузилмаларсиз, аввало, ахборот-коммуникация технологияларисиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди. Юртимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси маҳаллий бизнес вакилларидан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни тақозо этаётир.

Янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси маҳсулотларни сотиш, электрон ҳужжат ва мурожаатлар кўмагида ишларни бажариш ҳамда хизматлар кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини ўрнатишга қаратилгани билан долзарбдир.

Маълумки, ахборот тармоқлари ва оқимлари воситасидаги электрон тижорат асосида амалиётлар шаффофлиги ортади. Бу эса истеъмолчи ҳамда сотувчиларга нарх, сифат, етказиб беришнинг таклиф этилаётган шартлари ҳақида бир зумда танишишлари учун имконият яратади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари алоҳида таъкидлаганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, фермерликнинг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги, инвестициявий фаоллиги ва тараққиёти, электрон тижорат инфратузилмаси шаклланишини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Тошкент давлат стоматология институтининг Бухоро филиалида Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ижроси юзасидан “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида учрашув ташкил этилди.

● **Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳрида “Саломатлик ҳафталиги” ўтказилмоқда. Ушбу тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, пенсионерлар, шунингдек, Мурувват, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари жалб қилинаяпти. Ҳафталик доирасида “Ҳамшира — 2015” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари ҳам тақдирланди.**

● Фарғонада касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **Термиз археология музейида музейлар бошқарувида ўқув дастурларини амалга ошириш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ушбу маънавият масканларининг ҳуқуқий асослари, мутахассис кадрлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этиш, қолаверса, болаларни музейларга жалб қилишда педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Навбатдаги вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида давлат солиқ хизмати органларининг 2015 йилнинг I чорагидаги фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудий давлат солиқ органлари, тизим ўқув юртлари ва қўмита ҳузуридаги марказлар раҳбарлари иштирок этди.

ТАДБИР

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 10 апрель куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи мазмунмоҳиятидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича 2015 йилнинг I чораги натижалари, солиқ тушумлари тўлиқлигини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама қилиниб, II чорак учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Маҳаллий бюджетга солиқ тушумларининг аҳволи, 2014 йил учун жами йиллик даромадлари ҳақидаги декларацияларнинг тақдим этилиши борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинар экан, бу борада Сурхондарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида бажарилган ишлар қониқарсиз, деб топилди.

Биринчи даражали тўловларни амалга оширишда накд пул тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича тижорат банклари билан ҳамкорликдаги тадбирлар юзасидан Тошкент шаҳри, Андижон ва Тошкент вилоятларида ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги танқидий муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Эрон Ислом Республикаси ва Эрон ядровий дастури бўйича халқаро воситачиларнинг “Олтилик гуруҳи” ўртасида 2015 йилнинг 2 апрель куни Лозанна шаҳрида эришилган “Биргаликдаги кенг қамровли ҳаракатлар режасининг асосий параметрлари” бўйича келишувларни қўллаб-қувватлайди.

Глобал қуролсизланиш тизимининг ажралмас қисми бўлган Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ташаббускори бўлгани ҳолда, Ўзбекистон оммавий қирғин қуролларининг тўлиқ йўқ қилинишини қатъий ёқлайди ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг БМТ Низоми ва ЯҚТШ доирасида белгиланган тарқатмаслик тартибини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда мазкур доиравий келишув халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкамланишига жиддий ҳисса қўша оладиган кенг қамровли битимга эришиш учун мустаҳкам замин яратилишига умид қиладилар.

Фракция йиғилишлари бўлиб ўтди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳаси замон талаблари ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларига жавоб беради ва маҳаллий компаниялар томонидан электрон форматда бизнес юритиш учун самарали муҳит яратиш, уларнинг етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар билан янада тўлиқ алоқаларга эришиши, маҳсулотлари ва хизматларини глобал бозорга чиқаришида катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси миллий иқтисодиётга замонавий ахборот технологияларини фаол жорий қилишда салмоқли роль ўйнаши қайд этилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга янада қулай шароитлар тақдим қилишда катта туртки бўлади. Соҳага оид аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити, инвестициявий иқлимни яхшилашга хизмат қилиб, маҳаллий тадбиркорларга жаҳон бозорида хорижий ишбилармонлар билан тенгма-тенг рақобатлаша олиш имконини беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва мурожаатлар кўмагида нафақат маҳсулотларни сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишга, балки электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқлари ҳимояси учун қулай шароит яратишга қаратилгандир. Ўз навбатида, у халқаро стандартларга мос юқори технологияли бозор инфратузилмасини барпо қилишда ўзига хос омилга айланади. Бинобарин, бизнес ривожи аҳоли фаровонлигини юксалтириш, унинг бандлигини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий муҳофазаси самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Бу эса партиянинг дастурий вазифаларига муштаракдир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари эътироф этганидек, қонун лойиҳасида мамлакатимизда электрон тижоратни янада тараққий топтириш ва қўллаб-қувватлаш назарда тутилаяпти. Энг муҳими, шу асосда электрон савдо амалиётлари транспарентлиги ортиб, қисқа вақт ичида фойдали шартномалар имзолаш имконияти таъминланади. Қонун лойиҳаси, аввало, иқтисодиётнинг либераллашуви ҳамда глобаллашуви шароитида демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат органлари ва хўжалик субъектлари кундалик фаолиятида ахборот технологияларини кенг қўллаш масаласига катта эътибор қаратиш лозим. Мазкур қонун лойиҳаси савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари, асосан, биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимизда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Йиғилишлар якунида сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан партиялар дастурлари ҳамда электорат манфаатлари, экспертлар фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда, кўриб чиқилган масалаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди.

Саиджон МАХСУМОВ.

ИЛҒОР ТИББИЙ УСКУНАЛАР, СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили юртимизда 133 та тиббиёт муассасаси янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Гулистон шаҳридаги вилоят онкология диспансери, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Андижон шаҳридаги кўп тармоқли вилоят тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги Республика силга қарши кураш диспансери ва бошқалар шулар жумласига киради. Улар энг замонавий тиббиёт муассасаси эканлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда Корея Республикаси ҳамкорлигида энг юқори технологиялар асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган кўп тармоқли замонавий болалар тиббиёт маркази барпо этилмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида кекса авлод вакиллари, жумладан, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизматлар сифатини янада ошириш, зарур дори-дармон ҳамда тиббий воситалар билан таъминлаш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазмалар тиббиёт ускуналари, фармацевтика, эстетик тиббиёт ва стоматология соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни намойиш этиш, тажриба алмашиш, тиббиёт тизимида эришилаётган янгиликларни оммалаштиришга хизмат қилаяпти. Бу галги тадбирларда йигирмата мамлакатдан 160 га яқин компаниялар ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан қатнашмоқда. Хусусан, АҚШ, Ўзбекистон, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Корея Республикаси, Польша, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария ва бошқа давлатлар компаниялари иштирокчиларга тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, табиий фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари, рентгенология, стоматология, физиотерапия, жарроҳлик, кардиология, тиббий реабилитация ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги препаратлар, техника ҳамда технологиялар, санитария ва гигиена воситалари, тиббиёт соҳаси учун махсус мебеллар, минерал қўшимчалар, шунингдек, махсус стендларда дори-дармонлар, витаминларни тақдим этишмоқда.

— Ўзбекистондаги қулай муҳит эътиборга лойиқ, — дейди Жанубий Кореянинг "DK+ Medical Systems" компанияси вакили Йеон Жевон. — Боиси мамлакатингизда хорижлик тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун барча имконият яратилган. Компаниямиз узоқ йиллардан буён рентген асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланиб келади. Ўзбекистонда эса ҳамкорларимиз талайгина. Ушбу кўргазма жараёнида ҳам маҳаллий тадбиркорлар билан манфаатли лойиҳалар устида фикрлашаяпмиз, бизнес шартномалар тузаяпмиз.

Жорий йилги кўргазмалар доирасида илк бор "Тиббиёт туризми" шуъбаси ташкил этилди. Унда "University Medical Center Freiburg" (Германия), "Health and Travel" (Ўзбекистон) каби тиббиёт муассасалари соғломлаштириш хизматлари билан иштирок этаяпти.

— Муассасамиз бир қатор касалликларни даволашга ихтисослаштирилган, — дейди Польшанинг "Величка" сиҳатгоҳи савдосотиқ ва тарғибот ишлари бўйича мутахассиси Ольга Зих. — Хусусан, нафас йўллари, астма, бронхит, ўпка касалликлари, аллергия ва бошқа кўплаб хасталиклар энг замонавий тиббий технологиялар воситасида даволанади. Муҳими, сиҳатгоҳимиз сўлим гўша бағрида экани кўплаб беморларнинг касалликлардан фориғ бўлишлари билан бирга, қўшимча куч ва роҳат олишларига ҳам замин яратмоқда. Биз мазкур нуфузли кўргазмада қатнашаётганимиздан хурсандмиз.

Халқаро "Стоматология — Stomatology Uzbekistan 2015" кўргазмаси ҳам юқори технологияли стоматология асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва ушбу йўналишда инновацион ечимларни яратиш бўйича жаҳоннинг энг илғор компаниялари ҳисобланган Германиянинг "Sirona Dental" компанияси маҳсулотлари билан бойиди. Бундан ташқари, махсус стендлар орқали замонавий протезлаш, тиш касалликларини даволаш технологиялари билан танишиш имконияти ҳам яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги тиббий таълим сифатини янада ошириш, етук мутахассислар тайёрлашга хизмат қилаётир.

Кўргазмалар давомида жаҳон тиббиёт саноатининг ютуқлари намойиш қилинмоқда ҳамда юртимиздаги тиббиёт муассасалари ходимлари, мутахассисларга энг замонавий техника ва асбоб-ускуналарни ишлатиш билан боғлиқ маҳорат дарслари ўтилаяпти. Анестезиология ва ультратовуш ташхиси жараёнлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаяпти.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Навбатдаги вазифалар белгилаб олинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиши сабаблари, солиқ қарзи ҳамда ортиқча тўловни қисқартириш, солиқ объектлари ва субъектларини тўлиқ ҳисобга олиш, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш борасидаги ишлар аҳволи юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятлари давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботи эшитилди.

Ҳайъат йиғилишида ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджет ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ўз вақтида тўлиқ йўналтириш мақсадида мавжуд қўшимча манбалардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, жисмоний шахсларга тегишли солиқ объектларини тўлиқ ҳисобга олиш, солиқ тўловчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишида янада яқиндан ёрдам бериш, деҳқон бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нарх-наволари ўсишининг олдини олиш бўйича маҳаллий ҳокимлик ва бошқа идоралар билан биргаликда доимий назорат тадбирларини олиб бориш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди.

Муҳокама натижалари бўйича, фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун марказий аппарат тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларидан 4 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 43 нафарига эса тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилиш сўнгида давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган долзарб вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати.

Журналистлар учун семинар

Нукусда БМТ Тараққиёт дастурининг "Орол денгизи инқирози натижасида жабрланган аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш" лойиҳаси доирасида "Экологик журналистика — барқарор ривожланиш сари" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Урганч давлат университети ва Хоразм агромаслаҳат маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Айни пайтда кенг жамоатчиликни мавжуд экологик муаммолардан хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот хизмати раҳбари Эркин Омонов. — Қолаверса, журналистлар аҳолида экологик маданиятни шакллантиришда ҳал қилувчи кучга эгадир.

Тадбирда жаҳондаги экологик ҳолат ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумот берилди. Хусусан, дунё аҳолиси сонининг ортгани туфайли балиқ овлаш йилига 18 миллион тоннадан 100 миллион тоннага кўпайди. Ушбу маҳсулот захирасининг 75 фоизи бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида. Ер юзида фойдаланиладиган сувнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Бутун сайёрамиз бўйича ҳар катта ўнинчи дарё қуйиладиган денгизга етиб бормаяпти.

Орол денгизининг қуриган қисми ўрнида 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда саҳро пайдо бўлди. Ундан кўтарилаётган чанг ва заҳарли тузлар нафақат мазкур ҳудуд, балки қўшни олис минтақаларга ҳам хавф туғдирмоқда.

Тадбирда она-табиатни асраб-авайлаш ҳар бир инсон зиммасидаги масъулиятли вазифа эканлиги таъкидланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизматларига бўлган талаб ошиши табиий. Шу боис мамлакатимизда суғурта соҳасини ривожлантириш, тақдим этилаётган суғурта маҳсулотларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Суғурта бозори ривожланмоқда

Бу борада суғурта бизнесини юритиш учун халқаро амалиётга мувофиқ келадиган барча шарт-шароит яратилгани кутилган натижаларни бераётир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан ташкил қилинган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилашда "Ўзбекинвест" суғурта компанияси муносиб ҳисса қўшаяпти. Халқаро суғурта бозорининг фаол иштирокчиси саналган мазкур компания 14 та ҳудудий филиали, 125 та ҳудудий бўлинмаси, шунингдек, мингга яқин суғурта агентларига эга. Улар орқали юртимизнинг барча минтақасида жаҳон амалиётида қўлланиладиган 100 дан ортиқ анъанавий суғурта хизмат турлари тақдим этилмоқда. Пировардида сўнгги беш йил ичида суғурта мукофотлари ва суғурта қопламалари деярли 3, олинган суғурта мажбуриятлари қарийб 13, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини суғурталаш бўйича мажбуриятлар эса олти баробар ўсди.

Компания томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, кўрилаётган чора-тадбирлар, хусусан, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, тиббий суғурта бўйича шартномалар тузишда нуроний кишилар учун чегирмалар таклиф этилмоқда. Шу каби янгиликлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам асосий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланди. Масалан, олинган суғурта мажбуриятлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 49 фоиз, йиғилган суғурта мукофотлари эса 32 фоиз ўсди.

Тадбирда компания томонидан халқаро суғурта тузилмалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари, мажбурий суғурта турлари, суғурта даъволарини тартибга солишга доир масалалар бўйича атрофлича маълумот берилди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Изланувчан ишбилармонларга беқиёс рағбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, фермер ва ҳунармандлар ҳам ташаббускорлиги ва изланувчанлиги туфайли аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, даромадини кўпайтириш пайидан бўлмоқдалар. Чунки давлатимиз томонидан бизнес юритиш учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар уларни истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга руҳлантирмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови кичик ва ўрта синф вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, ёшларда тадбиркорликка иштиёқ уйғотишга хизмат қилаётир. Сабаби, у республикамизда фаолият кўрсатаётган энг илғор тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар учун нафақат беллашув, балки ўзаро тажриба алмашиш, фаолиятига замонавий технологиялар, инновацион ишланмаларни жалб этиш, жаҳон бозорига чиқиш учун иқтисодий сабоқ вазифасини ўтаяпти. Ишбилармонларнинг унга бўлган қизиқиши тобора кучайиб, иштирокчилар сони йил сайин кўпайиб бораётганининг боиси шунда.

Ушбу нуфузли кўрик-танловни бу гал ҳам юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 мартдаги "Ташаббус — 2015" кўрик-танловини ўтказишга доир фармойиши дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур ҳужжатга кўра, танловнинг дастлабки, яъни туман (шаҳар) босқичи жорий йилнинг 23 апрелигача, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари эса 8 майгача ўтказилиши режалаштирилган. Унда ғолибликни кўлга киритган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар якуний босқичда ўзаро беллашадилар. Улар орасидан Президент соврини учун энг муносиб номзодни саралаб олиш мақсадида пойтахтимизда 28-29 май кунлари иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилиши, ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими эса 2015 йил 11 июнь куни ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Айни кунларда жойларда "Ташаббус — 2015" республика кўрик-танловининг дастлабки босқичлари қизғин тарзда уюштирилмоқда. Унда "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари ва кўплаб қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, танловнинг кейинги босқичларида қатнашиш учун йўлланмалар тақдим этилаяпти.

Кеча Тошкент шаҳрининг Бектемир, Миробод ва Яшнобод туманларида кўрик-танловнинг қуйи босқичи бўлиб ўтди. Жумладан, Миробод туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари орасидан 12 таси, ҳунармандлардан эса саккиз нафари дастлабки босқичда ўз омадини синовдан ўтказди. Улар томонидан ташкил этилган кўргазмада кенг жамоатчилик вакиллари, туман аҳолиси ва меҳмонлар жам бўлди. Ташриф буюрувчилар бу ерда турфа хилдаги саноат маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари билан яқиндан танишиб, барча маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари жиҳатидан хорижники билан бемалол рақобатлаша олишини эътироф этдилар.

"Asal Plastik" корхонаси — пойтахтимиздаги илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Полиэтилен буюмлар, қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона 2009 йилда тузилган бўлиб, Хитой, Италия каби давлатларнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

— Бугун тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди ушбу корхона раҳбари Акром Миркомилов. — Уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўйилмаяпти, ҳисоботлар тегишли ташкилотларга электрон равишда тақдим этилмоқда, кредитлаш тизими соддалаштирилгани эса барчага маъқул бўлаяпти. Биз ҳам бу каби имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бу йилги танлов шу каби кўплаб салоҳиятли ишбилармонларни кашф этаяпти. Иштирокчиларнинг фаолиятини баҳолашда нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичи, балки янги иш ўринлари яратилгани, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилгани каби жиҳатлар ҳам инобатга олинди. Ахир ғолиблар танловнинг шаҳар босқичида туман шарафини ҳимоя қилишади-да.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

"Ташаббус — 2015" республика кўрик-танловининг туман (шаҳар) босқичи мамлакатимизнинг барча ҳудудида давом этмоқда.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида уруш ва меҳнат фахрийларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга қаратилган ижтимоий акция бошланди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилда бир баррель нефть нархи 60 АҚШ доллари атрофида қолади. Келаси йилда эса унинг баҳоси 70 долларгача кўтарилиши мумкин.

Маҳсулот баҳоси бўйича тахмин

Жаҳон савдо ташкилотининг иқтисодий тадқиқотлар ва статистика бошқармаси иқтисодчиси Калеман Ни шундай фикр билдирди. Демак, "қора олтин"нинг қиймати 100 доллардан ошади, деган тахминлар ҳақиқатдан йироқ.

Маълумот ўрнида келтириб ўтамиз, биржалардаги сўнгги савдолар чоғида "Brent" ва "WTI" типидаги нефтнинг бир баррели учун мос равишда 59,57 ва 54,22 доллардан шартномалар имзоланган.

Юкконада қолиб кетган экан

Сиэтлдан Лос-Анжелесга парвозни амалга ошираётган АҚШнинг "Alaska Airlines" авиакомпаниясига қарашли "Boeing 737" самолёти аэропортга қайтишга мажбур бўлди.

Манбада айтилишича, ҳаво лайнери юкконасида тақиллаган овоз эшитила бошлагани сабабли унинг капитани хавфсизлик нуқтаи назаридан шундай қарор қабул қилган. Кейин вазиятга ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича, самолётнинг юк бўлмасида аэропорт ходимларидан бири ухлаб қолган экан. Унга ҳеч қандай шикаст етмаган бўлса-да, тиббий кўрикдан ўтиши учун касалхонага юборилган.

Овлашга рухсат берилади

Жорий йил охирига бориб япониялик денгизчиларга Антарктикадан китларни овлашга қайтадан рухсат берилиши мумкин.

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, ўшангача "Кунчиқар юрт" ҳукумати халқаро ҳамжамиятни бу турдаги жониворлар бошқа бир жойда — Тинч океанининг жанубий қисмида кўпаяётгани, шу туфайли овчиларга рухсат бериш китларнинг камайиб кетишига олиб келмаслигига ишонтирмоқчи.

Маълумки, кит гўшти Япония аҳолиси севиб истеъмол қиладиган таомлардан ҳисобланади. Ушбу мамлакатда бу турдаги жониворларни овлаш ўтган йили тақиқлаб қўйилган эди.

Ажабтовур сўровнома

Буюк Британиянинг "Matalan" агентлиги томонидан ғалати ижтимоий сўров ўтказилди.



Унда мамлакат аҳолисидан "Сизга ким кўпроқ яқинроқ, қариндошингизми ёки уй ҳайвонлари?" дея сўралди. Якунда жами иштирокчиларнинг 60 фоизи эри ёки хотинини биринчи ўринда кўришини билдирган. Улардан кейин ака-ука ёки опа-сингил қадрли экани айтилган. 21 фоиз қатнашчи қайнона ва қайнотасини кўрсатган. Қизиқ жиҳати, респондентларнинг 22 фоизи ушбу рўйхатда ўзлари парваришлаётган уй ҳайвонларини олдинги ўринга қўйган.

Шунингдек, сўровда иштирокчиларга оиласи учун энг қадрли нарса нималигига ҳам аниқлик киритилди. Унга кўра, 35 фоиз киши оиласи бахти, 25 фоизи эса саломатлик муҳимлигини билдирган. Қолганлар фаровонликдан афзалроғи йўқ, деб ҳисоблаган.

Бир жамоада тўп суриши мумкин

"Барселона" ва "Реал Мадрид" футбол клублари (Испания) етакчи ҳужумчилари Лионель Месси ҳамда Криштиану Роналдунинг бир жамоада тўп суриш эҳтимоли бор, дейилади "Mundo Deportivo" нашрида.

Ушбу ҳолат УЕФА томонидан Европа лигаларининг энг кучли ўйинчилари иштирокида ўтказилиши режалаштирилаётган беллашувда кузатилиши мумкин. Ташкилот бу борада ҳар йили шундай томоша дастурлари уюштирадиган Миллий баскетбол уюшмаси ва Миллий хоккей лигасидан ўрнак олмоқчи.

Қоидага мувофиқ, баҳсда Шимолий ҳамда Жанубий Европа давлатлари клублари аъзоларидан шакллантириладиган термалар қатнашади. Айни шунга асосланиб айтганда, сўнгги етти йилдан бери дунёнинг энг яхши футболчисига топшириладиган "Олтин тўп" совринини ҳеч кимга бермай келаётган Месси ва Роналдунинг бир жамоада тўп суриши эҳтимолга яқин. Мазкур лойиҳа 2017 йилдан эрта рўёбга чиқмайди. Чунки УЕФА олдида ҳали ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори навқирон авлодни замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассислар этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, чет тилларни ўқитиш бўйича давлат стандартлари ишлаб чиқилгани ёшларимизнинг хорижий тилларни пухта эгаллаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Хусусан, айни пайтда Пискент туманидаги 50 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактабида асосан инглиз, шунингдек, немис ва француз тилларидан сабоқ берилаяпти. Масалан, инглиз тили биринчи синф ўқувчиларига ўйин ҳамда оғзаки нутқ шаклида ўтилаётган бўлса, иккинчи синфда унинг алифбоси, грамматикаси ва ўқиш қоидалари ўргатилаётир.

Чет тилларни ўқитиш:

Замонавий услуб, самарали ҳамкорлик

— Мутахассислар чет тилларни болаликданоқ эгаллаб бориш энг тўғри ҳамда самарали эканлигини кўп бора таъкидлашади, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Нилуфар Ишқуввата. — Шу маънода айни пайтда 1, 4-синфларнинг ўқув режасига ҳафтасига 2 соатдан чет тили машғулотлари киритилгани айни муддао бўлди. Бундан ташқари, илгари 5, 9-синфларда ушбу фан 3 соатдан, жами 510 соат ўқитилган бўлса, эндиликда 782 соат ажратилган. Ўтган қисқа фурсатнинг ўзиёқ бу саъй-ҳаракатлар нечоғли тўғри бўлганини кўрсатаяпти.

Одатда, мактаб ёшидаги болалар табиатан ўйинқароқ бўлади. Уларнинг дарсга қизиқиши, фаол қатнашиши, уйга берилган вазифаларни мустақил, ўз вақтида тайёрлашига эришиш учун ўқитувчи интерфаол усуллардан кенг фойдаланиши лозим. Хорижий тилларни пухта эгаллаш учун қанчалик қунт ва сабот керак бўлса, педагогдан ҳам шунчалик катта маҳорат ҳамда фидойилик талаб этилади.

Тумандаги 5-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Марям Холматова ана шундай касб фидойиларидан. Муаллима ўқувчиларига таълим беришда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга, ўғил-қизлар тафаккурига кўргазмали қуроллар, дарсга оид санъат намуналарини намойиш этиш орқали кўпроқ таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Унинг ташаббуси билан яқинда худди шу мактабда педагог кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ҳамда илғор педтехнологияларни қўллаш бўйича доимий ўқув-семинарларини ўтказиш йўлга қўйилди. Машғулотларни олиб боришда Тошкент давлат педагогика университетининг етакчи профессор-ўқитувчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

— Мактабимиз инглиз тили фанидан туманимизда "Маҳорат мактаби" деб танланди, — дейди педагог. — Бу зиммамизга катта масъулият юклайди. Биласизми, ўқитувчи изланувчан ва ижодкор бўлиши лозим. Айтайлик, дарс вақтида хилма-хил интерактив усуллардан фойдаланиши зарур. Ўқувчиларимиз дарслардан ташқари тўгаракларда ҳам фаол қатнашадилар. Аслида тил ўрганиш боланинг қобилиятини тоблайди, унинг имкониятларини кенгайтиради. Шу маънода, ҳозир кўплаб шогирдларимизнинг инглиз тилида бийрон сўзлашини кўриб, ҳавасингиз келади.

Албатта, хорижий тилларни ўқитишда умумтаълим мактаблари моддий-техник базасининг яхшиланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни талаб даражасига кўтариш учун мамлакатимизда "Умумтаълим мактабларининг чет тили кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа асосида Пискент туманидаги мактабларнинг хорижий тиллар хоналари замон талабларига мувофиқ жиҳозланди. Биринчи синфларда сабоқ олаётган 1393 ўқувчига ушбу фан бўйича дарсликлар ажратилди. Бундан ташқари, таълим муассасалари марказлашган ҳолда компьютер техникалари, проекторлар, ноутбуклар, махсус доскалар, луғат ва кўргазмали воситалардан иборат жами 38 миллион 490 минг сўмлик жиҳоз ҳамда ўқув қуроллари билан таъминланди.

— Мактабимизда чет тилларни ўрганиш тарғиботига бағишланган ранг-баранг тадбирлар, ижодий кечалар, тўгарак машғулотлари ва турли танловлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйганмиз, — дейди тумандаги 1-умумтаълим мактаби директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Марҳабо Қурбонова. — Булар ўқувчиларимиз билими тобора мустаҳкамланиб бориши, бошқача айтганда, "тили қотиб қолмаслиги" учун яхшигина маҳорат мактаби бўлаяпти. Ўқувчиларимиз орасида чет тиллари бўйича туман, вилоят ва ҳатто, республика фан олимпиадаси ғолиблари бор. Ҳақиқий муаллим учун шогирдлари эришаётган ютуқларни кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Болаликда олинган билимни бамисоли тошга ўйилган нақшга менгзайдилар. Бугун мактаб остонасини илк бор ҳатлаётган ҳар бир ўғил-қиз чет тилларнинг мафтункор оламига қадам қўймоқда. Насиб этса, келгусида улар эл-юртимиз шуҳрати ва салоҳиятини бутун дунёга кўз-кўз этадилар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАФОСАТ

Гуллар шаҳри, дея эътироф этиладиган Наманганда гўзалликка ошуфта инсонлар кўп. Шу боис бу кентнинг ҳар бир хонадони чаманзорни эслатади.

Гул бир ён, чаман бир ён...

Ҳамиша баҳридилингизни очадиган ана шундай дилтортар манзиллардан бири Сардоба даҳасида жойлашган. Эрта баҳордан то кеч кузгача бу ерга кирсангиз, димоғингизга урилган ёқимли бўйдан ажиб роҳат оласиз. Хонадон ўз даврида машҳур бўлган Муҳаммад гулчининг бешинчи сулоласи — Аҳмаджон Султоновга қарашли. Оилада истиқомат қилаётган етти киши — отадан тортиб кенжа фарзандгача — барчаси шу касб-кор этагидан тутган. Аҳмаджон аканинг гулга қизиқиши шунчаки ишқибозлик эмас. Негаки, у — бу жабҳада ноёб иқтидор ва қобилият эгаси. Мўъжазгина ҳовлисида ҳар мавсумда уч минг тупдан ортиқ гул етиштиради. Улар орасида оддий атиргулдан тортиб, эндиликда заминимиз тупроғида яйраб ildиз отаётган магнолиягача бор.

Аҳмаджон аканинг айтишича, у ноёб гулларни иқлимга мослаштиришни отаси, география ва биология фанлари муаллими Абдуваҳоб Султоновдан ўрганган. Таъбир жоиз бўлса, бугун ана шу "илмий изланишлар"ни унинг ўғил-қизлари, набиралари давом эттирмоқда. Масалан, ҳовлидаги иссиқхонада Франция, Голландия, Австралия каби мамлакатлардан келтирилган элликдан зиёд гул уруғи навларини экиб, иқлимимизга мослаштириш йўлга қўйилган. Уларни нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ мамлакатларидаги кўплаб нафосат шайдоларига ҳам етказиб беришаяпти. Қолаверса, кейинги пайтларда Голландия петуниясининг саккиз хилини экиб, кўпайтириш ўзлаштирилди.

— Юртимизда тадбиркорларга ҳар томонлама эркинлик ва имтиёзлар берилиши гулчиликни оилавий бизнеснинг самарали турига айлантириш имкониятини яратди, — дейди А. Султонов. — Шу сабабли ҳозир касб-коримиз ортидан топганимиз рўзғоримизга барака, ҳаётимизга мазмун киритмоқда,

Дарҳақиқат, бугун Намангандаги бунёдкорлик ишлари кўҳна ва навқирон шаҳар қиёфасини кун сайин ўзгартирмоқда. Бири-биридан чиройли бинолар қаторида кўча ва хиёбонлар ҳам тобора файзли тус олаётир. Ҳадемай, уларнинг барчаси ранг-баранг чечаклардан безак тақади. Зеро, шаҳар кўркига кўрк қўшаётган бундай хушбўй гулларни кўпайтиришда Аҳмаджон Султонов сингари оилавий тадбиркорларнинг ҳиссаси катта.

Насимжон ЮНУСОВ.

Тежаб қолинган маблағ

ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилмоқда

ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда соҳа равнақи учун қулай сармоявий муҳит яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда солиқ тўловчилар зиммасига тушадиган солиқ юки босқичма-босқич камайтириб борилаяпти. Бунда 2014 йил 4 декабрда қабул қилинган "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Чунончи, жорий йилда фойда солиғи 2014 йилдагидан 0,5 фоиз камайтирилиб, 7,5 фоиз этиб белгиланди. Ваҳолонки, 2005 йилда бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этарди. Кичик бизнес субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Табиийки, бу каби енгилликлар микрофирма ва кичик корхоналар, фермер хўжаликларига қатор қулайликлар яратмоқда. Буни Жондор туманидаги "Шижоаттекстилмаш" МЧЖ фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Сочиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган мазкур корхона ўтган йили 2009 йил 28 январда қабул қилинган "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор асосида ягона солиқ тўлови бўйича имтиёздан фойдаланди. Натижада 398 миллион сўм маблағ корхона ихтиёрида қолди. Бу маблағдан тадбиркорлар оқилона фойдаланиб, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологик жиҳозлар сотиб олишга йўналтирдилар. Пировардида корхонада 52 та иш ўрни яратилди.

Яна бир мисол. Бухоро туманидаги "Ростекстрой" қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин ошириб бораётган тадбиркорлик субъектларидан бири саналади. Бунда корхона ишбилармонларига солиқ борасида яратилган имтиёзлар қўл келаяпти. Бултур айнан шунинг эвазига корхона ҳисобида 111 миллион сўм маблағ қолди ҳамда ушбу сармоя ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилди. Натижада ўндан зиёд қўшимча иш ўрни юзага келди. Кичик бизнес субъектларига солиқ тўлови борасида яратилаётган енгилликлар аҳоли турмуш даражасининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Маълумот тариқасида айтиш ўринлики, жорий йилда солиқ тўлови борасида яратилган имтиёзлар ҳамда бошқа қулайликлар туфайли вилоятимиз солиқ тўловчилари ихтиёрида 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ қолиши кутилмоқда.

Меҳриддин СУЛТОНОВ,
Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Эълонлар

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармасининг 2015 йил 13 апрелдаги 13/6-346-15-сонли буюртманомасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 10-«А» уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Chevrolet Niva» русумли, давлат рақами 01/769 CCA, 2005 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 16 725 000 сўм.

2. «Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 01/775 CCA, 2003 йилда ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 14 965 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 19 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 15 май куни соат 18.00. Автотранспорт воситалари 19 май кунидаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 29 май ва 8 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 29 майдаги савдо учун — 27 май, 8 июндаги савдо учун — 5 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида ғолиб деб топилган шахсга 5 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (0-371) 228-79-52.

518R/17 Гувоҳнома № 001580.

ДИАГНОСТИКА ЖИҲОЗЛАРИ

Маҳсулотларни Тошкентдаги омбордан сўмда, пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин.

- Автоматик биокимё анализатор реагентлари билан
- Иммунофермент анализатори
- ИФ-анализатор учун ювиш аппарат-автомати
- Гематологик анализатор реагентлари билан
- Стерилланган вакуумли пробиркалар (Kima, Италия)

Ўрнатиб берилади, кафолат даврида ва кафолат муддатидан кейин хизмат кўрсатилади.

Маҳсулот рўйхатга олинган ва сертификатланган.

Манзил: «GLOBAL IMPEX» МЧЖ, 100015, Тошкент ш., Яккасарой тум., Минглар к., 6-уй. Тел./факс: (0-371) 281-49-20, 280-52-70, 253-99-45.
www.globalimpex.uz e-mail: globalimpex@litel.uz

463/247

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 14 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1897,42	1 Россия рубли	48,99
1 Англия фунт стерлинги	3655,23	1 Украина гривнаси	109,34
1 Дания кронаси	354,81	1 Малайзия рингтити	675,82
1 БАА дирҳами	681,23	1 Польша злотийси	659,27
1 АҚШ доллари	2501,87	1 СДР	3429,16
1 Миср фунти	327,90	1 Туркия лираси	949,40
1 Исландия кронаси	18,11	1 Швейцария франки	2554,23
1 Канада доллари	1983,41	1 евро	2739,95
1 Хитой юани	402,62	10 Жанубий Корея вони	22,78
		10 Япония иенаси	207,73

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Польша Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада соҳа вакиллари учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаяпти. Табиийки, ана шу жараёнда мамлакатимиздаги тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар қамровини кенгайтиришда дастуриламал бўлмоқда.

Маълумки, молия муассасаларининг инвестициявий фаолияти уларнинг салоҳияти, хизмат кўрсатиш даражасини белгиловчи мезондир. Зеро, каттаю кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ҳамда кенгайтиришда бевосита банклар кўмагига таянадилар. Мазкур ҳаётий талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам ишбилармонларимизни қўллаб-қувватлаш, саноат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида молия муассасаси томонидан ушбу мақсадлар рўёби учун жами 255,5 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Шундан 25,9 млрд. сўми аёллар тадбиркорлиги, 39,5 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, 2,2 млрд. сўми оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш, 1,4 млрд. сўми таълим муассасалари битирувчилари бизнес-лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, 137,4 млрд. сўми озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи ишбилармонлар лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Жами сармояларнинг 18,8 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этди. Пировардида кўплаб иш ўринлари яратилиши баробарида, жойларда янги-янги хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этилди, маҳаллий маҳсулотлар ҳажми ортиб, ички бозор арзон ва сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирилди.

Бинобарин, хотин-қизларни иқтисодиётимиз тармоқлари, жумладан, оилавий бизнесга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ижросида ҳам "Асака" банки ўз сармоялари билан фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг март ойида пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари "BankEXPO — 2015" VIII миллий кўргазмасида мазкур молия муассасасининг "Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси ғолиби, деб топилгани ҳам буни яққол тасдиқлайди. Умуман, банк томонидан йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 1 трлн. 168 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Бу эса кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбига кенг йўл очади, деганидир.

Буни мазкур молия муассасаси кредитларидан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркорларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Абдурашид ФАТТАЕВ, Самарқанд шаҳридаги "Afrosiyob parranda" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Давлатимиз томонидан банк тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани молия муассасалари томонидан тақдим қилинаётган хизмат турлари кўпайишида муҳим ўрин тутмоқда. Биз ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириб бораяпмиз. Корхонамиз паррандачиликка ихтисослаштирилган. Ўтган даврда "Асака" банки кредитлари асосида янги лойиҳаларни рўёбга чиқардик. Ажратилган сармоя эвазига замонавий ускуналар харид қилдик. Ўз навбатида, ҳамшаҳарларимиздан 8 нафарини иш билан таъминладик. Келгусида янги йўналишларда ҳам бизнес-режаларни амалга оширишни мўлжаллаяпмиз. Бунда, албатта, яқин ҳамкоримиз — "Асака" банки кўмагига таянамиз.

Отақул ЖОНҚУЛОВ, Қарши туманидаги "Қашқадарё балиқчилик" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Қарши туманидаги сув ҳавзаларида ҳар мавсумда қарийб 380 минг дона зоғора, оқамур каби балиқ турларини етиштирамиз. Бироқ уларни аҳолига сифатли ҳолда етказиб бериш борасида бир оз қийналаётгандик. Шу боис замонавий музлаткич барпо этиш мақсадида "Асака" банкига мурожаат қилдик. Муассаса мутасаддилари қисқа муддатда лойиҳамизни кўриб чиқиб, молиялаштиришга қарор қилди. Шу тариқа банк кредитига ўз сармоямизни қўшиб, фаолиятимиз самарадорлигини оширишга эришдик. Ўз навбатида, тўртта қўшимча иш ўрни яратилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, вилоятимизда балиқчилик тармоғи жадал суръатлар билан ривожланаяпти. Янги музлаткичимиз вилоятимиз аҳолиси дастурхони тўкинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ғайратжон МИРЗАЖОНОВ, ёш тадбиркор (Олтиариқ тумани):

— Коллежни битириш арафасида менда тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги туғилди. Ана шу даврда мустақил ҳаётга қадам қўяётган биз, ёшларни қўллаб-қувватлаш учун "Асака" банки ходимлари ўқув муассасамизга келишди. Мулоқот чоғида банк томонидан тақдим этиладиган кредит маблағлари асосида ўз бизнесимизни бошлашимиз мумкинлигидан хабардор бўлдик. Шундан сўнг молия муассасаси кўмагида томорқа хўжалигимизда иссиқхона ташкил қилиб, туманимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга киришдик. Ҳозир даромадимиз ҳисобидан фаолиятимизни кенгайтириш чораларини кўраяпмиз. Албатта, бундай имкониятни яратиб беришга ҳисса қўшгани учун "Асака" банки жамоасига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Феруза НИШАНОВА, "Наслли Кумуш Курка" фермер хўжалиги раҳбари (Сирдарё вилояти):

— "Асака" банки — энг яқин ҳамкоримиз. Унинг молиявий кўмаги туфайли кўплаб ютуқларга эришдик. Жамоамиз сафига яна 8 нафар киши қўшилди. Ҳозир хўжалигимизда етиштирилаётган тухум ва гўшт маҳсулотлари маҳаллий истеъмолчиларга арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Тадбиркорликнинг қирралари кўп, имкониятлари эса беқиёс. Келгусида халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш йўлида мавжуд имкониятларимизни ишга соламиз. Албатта, навбатдаги истиқболли лойиҳаларимиз рўёбида ҳам "Асака" банки сармоялари ҳал қилувчи ўрин тутишига ишонамиз.

Ким Санг ИЛ, "UzSungWoo" қўшма корхонаси бош директори (Андижон вилояти):

— Ўзбекистон — юксак иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Юртингизда яратилган қулай ва жозибадор инвестициявий муҳит чет эллик сармоядорларни ўзига тобора кенгроқ жалб қилмоқда. Таҳлилларимизга кўра, юртингизда барча тармоқлар, шу жумладан, автомобилсозлик саноатини янада жадал ривожлантириш учун барча имконият мавжуд. Зеро, миллий автомобилларингиз сифати ва хавфсизлиги жиҳатидан жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Меҳнат ресурслари, бой хом ашё базаси, аҳолининг юқори талаб ҳамда эҳтиёжи ва давлат кўмаги сингари муҳим омиллар бу тармоқ ғоятда истиқболли эканлигини тасдиқлайди.

Шу сабабли 2011 йилда "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси маҳсулотлари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Фаолиятимизни кенгайтиришда "Асака" банки хизматларидан фойдаланишни маъқул, деб топдик. Негаки, ушбу молия муассасаси "Fitch Ratings" ва "Moody's" сингари дунёга машҳур халқаро рейтинг агентликлари томонидан бир неча йиллардан бери юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлиб келаяпти. Унинг фаолияти "Барқарор" деб тан олинаётгани эса мижозлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

Бунга амалда бир неча бор гувоҳ бўлдик. Банк ходимлари қисқа муддатда бизнес-режамизни кўриб чиқиб, молиялаштирди. Унинг кредити туфайли маҳсулотларимиз ҳажмини бир неча баробар кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга муваффақ бўлдик. Чунончи, ўтган йили "GM Uzbekistan" автомобиллари учун 80 мингдан ортиқ эҳтиёт қисмлар жамланмасини етказиб бердик, шунингдек, 100 дан зиёд иш ўринлари яратдик. Ушбу банк билан келгусида ҳамкорлигимизни янада изчил давом эттиришдан манфаатдормиз.

Жорий йилнинг I чорагида банк томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун

25,9

миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки айни кунларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида қизғин фаолият юритмоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Банк материаллари асосида Ф. БЎТАЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

ASAKA BANK

Реклама ўрнида

Рустам АБИДОВ, Тошкент шаҳридаги "BekMega Textile" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилган. Бунинг самараси қишлоғу маҳаллаларимиз ободлиги, иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатлари, бозорларимиз тўкинлиги, дастурхонимиз файзу баракасида яққол намоён бўлади. Қолаверса, аҳоли эҳтиёжидан ортган маҳсулотларимизни чет элга сотиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳияти йил сайин юксалиб бораяпти. Бунда, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Корхонамизда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Эришган муваффақиятларимиз "Асака" банкининг молиявий кўмаги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки фаолиятимизни ривожлантириш учун етарли тажрибага эга бўлсак-да, бизнес лойиҳаларимизни сармоясиз амалга ошириб бўлмасди. Шу боис замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида молия муассасасига мурожаат этдик. Банк ходимларига лойиҳамиз маъқул тушди. Тез орада маблағ ажратилди. Пировардида модернизациялаш тадбирларини муваффақиятли якунлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар кўпайтирдик. Ҳозир жаҳон талабига мос юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаб, республикамиздаги ва хориждаги истеъмолчиларга етказиб бераяпмиз. Бинобарин, банк кредитлари ҳисобига 50 га яқин янги иш ўринлари яратиб, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминладик.

Маданият хабарлари

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Майдон томошалари санъати" республика фестивали якунланди.

Миллий ўйинлар завқи

Икки йилда бир маротаба ташкил этиб келинаётган мазкур тадбир халқ томоша санъати, хусусан, дорбозлик анъаналарини асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш ҳамда ривожлантиришга қаратилгани билан диққатга сазовор.

Таъкидланганидек, фестивалнинг бу йилги ҳудудий босқичининг дастлабкиси Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Андижон ва мезбон вилоят дорбозлари ҳамда миллий цирк гуруҳлари қатнашди. Самарқанддаги ҳудудий босқичда эса Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида фаолият кўрсатаётган дорбозлар жамоалари, ҳаваскор цирк санъати гуруҳлари ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.

Қадриятлар тараннуми

Наманганда "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Унда йигит-қизлар тасвирий ва амалий санъат, ҳунармандчилик, спорт ҳамда маданият соҳаларида ўз иқтидорини намойиш этди.

Фестиваль доирасида "Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз!" шиори остида ёш спортчиларнинг миллий кураш бўйича кўргазмали чиқишлари уюштирилган бўлса, "Ошга марҳамат" танловида иштирокчилар ошпазлик маҳоратини синовдан ўтказдилар. Шунингдек, "Миллий қадриятлар — менинг нигоҳимда" расмлар танлови ёш мўйқалам усталари учун маҳорат сабоқлари вазифасини ўтади.

Ёш тадбиркорлар кўргазмаси, фольклор жамоалар, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали ғолиблари иштирокидаги куй-қўшиқлар ҳам тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Назокат АҲМЕДОВА.

Ёшлар ижод саройида "Куйла, ёшлигим" республика телевизион танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ёшлик оҳанглари

Ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ташкил қилинган тадбирда пойтахт вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан ҳаваскор хонандалар иштирок этди.

Эътиборли жиҳати, танлов нафақат истеъдодли йигит-қизларни кашф қилиш, балки ўзбек миллий эстрада санъатининг ўзига хос анъаналарини кенг тарғиб этишга ҳам хизмат қилмоқда. Қатнашчиларнинг озод ва обод Ватан, ёшлик шижоати, беғубор туйғулар тараннум этилган қўшиқлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Якунда энг юқори натижага эга бўлган номзодлар танловнинг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси

«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси

махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.

махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.

DOOSAN

www.doosaninfracore.uz

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

Савдо бўлими
Тел.: (+99871) 200-00-27/28.
(+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

Сервис хизмати
Тел.: (+99871) 200-00-26,
(+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com

115R/69

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●



«Қибрай»

клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Манзилимиз:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

026/95

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси жамоаси Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази ҳуқуқшуноси Гулбаҳор Бабаджановага волидаи муҳтарамаси

Пошша МАДРАҲИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

WWW.XS.UZ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги" доирасида "Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5